

# ТУРКИСТОН

1993 йил 18 март • Пайшанба • № 32 (14060) تۇرکستان

TURKISTAN

Нархи 5 сўм.



**НАВРЎЗ  
КЕЛАР  
БИЗНИ  
СЎРОҚЛАБ**

Муқаддас Парпиева Жалолқудуқ туман Ерқишлоқ ширинчи фабрикаси ёшлар масалалари бўйича директор ўринбосари, Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилоти котибаси.

Ҳа, баъзан кўпга етакчилик қилиш, жамоат ишларини аёл кишига унчалик шонинишмайди. Аммо шундай аёллар борки, уларнинг ақл-идроки, фахриятлари, жамоа жойларда ўзларини тутганини кўриб, раҳбарлик, ташкилотчилик вазифаларини айнан уларга чиқаргандек туюлади. Уларсиз иш битмайди гўё. Аёл аввало уй бекаси бўлсин дейишади. Бизнингча у эллада давлат ишини ҳам, оилани ҳам бошқарсин.

Муқаддасхонга нисбатан юқоридаги таърифни берсак, янглишмаймиз. Ишонмасангиз, уйига боринг, ишини кўринг.

А. МИРЗАЖОН олган сурат.

## НАВРЎЗ КЕЛАР БИЗНИ СЎРОҚЛАБ



## Зўр тантана бўлади

Кейинги бир-икки йил ичида Зафаробод райони номи давраларда ҳам, матбуот саноқчиларида ҳам тез-тез тилга олинган бўлиб қолди. Боси районимизда ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, ободонлаштириш бўйича ҳам қувончли натижаларга эришилди.

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш ҳақида тўхталадики бўлса, 1991 йилги район 156 миллион қарб билан икунлаган эди. Бултур эса ишлаб чиқаришда кескин ўзгариш ясаб, деҳқончиликнинг ўзидан 130 миллион сўмдан зиёд соф фойда олинди. Давлат 32 минг тонна пахта тақдирини, гоёт оғир шарторда ҳам режани вилоятда биринчи бўлиб удралади. Режадан ташқари топширилган

пахта ва режадаги пахтанинг 15 фони ҳисобдан деҳқонларнинг 1 миллиард сўмдан зиёд қўшимча даромад олади.

Районнинг ташкил этилганлигига шу йил апрелда 20 йил тўлади. Айтиш мумкин, ўтган даврда районда халқнинг турмуши учун зарур бўлаган иқтимоий манший объектлар кам қўрилган. Районда бозор, автостанция, чойхона каби энг зарур хизмат тармоқлари йўқ эди.

1992 йилда халқ учун керакли объектлар қурилишига ҳам алоҳида эътибор берди. Ҳашар йўли билан вилоятда ягона бўлган доира шаклидаги ёпиқ бозор қуриди. Савдо ярмараси майдонча, универсал магазини, ноҳийона ишга туширилди.

## ЗАФАРОБОДА «ТУРКИСТОН» БАЙРАМИ

Ҳар бир байрамнинг ўз руҳи, қувончи, ташвиши бўлади. Ҳеч бир айёми халқимиз Наврўзчалик иқтимоий билан кутмайди. Бу байрам азалдан гузаллик, ёшарлик, меҳнат айёми сифатида қадрланган. Байрамда келинчақдай сулув баҳор заманига ўз сенини ёди. Юракларига баҳорнинг кайфият тўлган ижодкорлар ҳам ўз муҳлислари хузурига шонлиқларидир. Ҳар Наврўздагидек «Туркистон»чилар бу йил ҳам ўз ўқувчилари билан учрашдилар. Бу таги учрашуларимиз Жиззах вилоятининг қўриқ Зафаробод ноҳияси меҳнаткашлари билан бўлади. Ҳозирги кунда Зафарободда байрамга қизгин тайёргарлик қуриломоқда.

Тахририятимиз ижодкорлари ноҳиядаги бир қанча хўжалик ва ташкилотларда учрашулар ўтказишни режалаштирган. Хуллас шеърхонлик кўй-қўшиқча улаиб кетади. Ижодий жамоамизнинг байрамлари ўтказишида ўз тажрибаси бор. Қашқадарё, Хоразм, Фарғона водийаси, Бухоро-ю Қорақалпоғистондагидек бу таги Зафарободдаги учрашуларимиз ҳам интиқил «Туркистон» муҳлисларининг ёдида бир умрга эсда қолади деган умидимиз.

**ЗАФАРОБОДА** учрашгучи!

Барча кўчалар тунги ёриткичлар билан ёритилиб, биноларнинг пештоқларига ёнубчи белгилар ўрнатилди. Қисқаси, Зафаробод қўриғи шинам шаҳар қиёфасига кирди.

Қайта жиҳозланган болалар боғи, марказий ўйингоҳ ҳаминша одамлар билан гажум. «Умид» ёшлар марказида ҳар кунги турли қизилари тадбирлар ўтказилиб келинапти. Одамларга турмуш кечирши учун қанчалик қўлай шарт-шароит яратилса, улар унумли меҳнат қилишади. Бу нарсани зафарободликлар ўтган йили амалда исботлашди. Ишлаб чиқаришнинг деярли барча соҳалари бўйича белгиланган давлат режалари ўринлатилди. Катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ҳўжалик ва ташкилотларда битта яхши анъана қарор топган. Районда ҳар бир байрам

рам зўр тантаналар билан ўтади. Лекин улар орасида Наврўзга тенг келадигани йўқ дейиш мумкин. Бу йил ҳам баҳор байрамга ҳар томонлама қизгин ҳозирлик қўрилди. Районимизда бўлаган Наврўз тантаналарида Зафаробод ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ва «Туркистон» газетаси вакиллари, ижодкорлар, санъаткорлар иштирок этиши районимиз аҳолисини қувонтириб юборди. Чунки районимиз аҳолисининг армиядан қўпини ёшлар ташкил этиди.

Наврўз байрамини чинакам халқ сайига айлантириш учун тадбирлар белгилаб олганмиз. Уларни гапириб ўтирмай... Яхшиси, Зафарободга келинг, ўзингиз амин бўласиз.

С. АБДУСАТТОРОВ,  
Зафаробод райони ҳокими.

## Ўтин даври сабоқлари

## 7 рақами бахтлими?

(СИРДАРЕ ВИЛОЯТИ ЁШЛАР ИТТИФОҚИ XV КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

Тарихи, 30 йиллик масофа, Ушбу машаққатли ва мурраккаб йўлда қанчадан қанча одамларнинг куч-ғайрати, меҳнати, қувончу-ташвишлари излари бор. Бу изларни яна шунингдек, бутун фахрли раёстандан ўрин олганлар — кимнингдир оқарган соҳаларида, кимнингдир аянж босган юзларида, балки кимнингдир букилган қадида кўрасиз.

1963 йил 5 март. Сирдарё вилоятда ёшлар ташкилоти дунёга келган кун.

1993 йил 5 март. Вилоят ёшлар Иттифоқи ташкилоти (XV) ҳисобот конференцияси.

30 йил муқаддам қақраб ётган «Ўтин» эъланлаштириш учун биринчилардан бўлиб қўмитаси оғланганда, «Ата-бун тўрига» ҳамини тасо-дифий холми, билмадим 30 йиллик тарихдан кейин айнан шу кунда ташкилот ишларини яна қайтадан қўриқиб, бошланғич давр сарҳисобини қилаётди, яна қурашга овланмоқчи.

Ўзбекистон харитасида янги бир вилоят белгилагани ёшлар ташкилоти юбилей тантаналарининг гапиршиши халқ нарбат бор. Бу ҳақда кейинроқ алоҳида мақолалар уюштирилади. Кечгаги кун қахрамонлари ҳақида ҳикоялар қилинади. Ҳозирча бу гапиршиш ёшлар Иттифоқи ташкилоти, унинг ҳисобот конференцияси ҳақида...

Залга 500 га яқин йилгилар одамлар — делегатлар, фахрийлар, вилоят, хокимията, ташкилотлари, хокимията раҳбарлари, районлардан хокимлар ва меҳмонлар. Шунингдек, республикада дастлаб вилоят конференцияси ўтказилган муносабати билан бошқа вилоятларнинг

биринчи котиблари ҳам анжуманга таклиф этилган эдилар. Бу ерга йилгиланларга қараб, 74 мингдан ошқ аъзони ўз сафига бирлаштирган ташкилотнинг вилоятда ҳам аниқгина нуфузга эга эканлигини сезасан. Қўмита раёсати биринчи котиби Умарали Тўхтабоев ўз ҳисобот маърузасини икки босқичга ажратган ҳолда таҳлил қилиб берди. Бу қисқа фурсатлардаги ўз сенини йўналишларга эга бўлган икки давр.

Сирдарё вилояти «Ўтин» аъзони ҳисобланганлиги сабабли бу ерларда турмуш осонмас. 550 мингдан ортиқ сонли аҳолисини 11 миқдот вакиллари ташкил этиди. Турли миқдот, турли дунёлар, урф-одатлар, динлари бошқа-бошқа одамлар. Аммо ҳаммалари бир Сирдарё халқи бўлиб бирлашади. Улар бир тан, бир жон бўлиб, қўда-анда, қон-қариндош. Буанда албатта Сирдарё вилояти ҳокимияти раҳбарлари билан бир қаторда, ёшлар ташкилотининг муносиб хизмати бор. Энг асосийси, ташкилот ёшларга етакчилик қилишда эътиборга эга. Янгилик, ташаббуслар, тадбирлар уюштиришда фаоллини қўлга олишни билади.

Ташкилот ўз режа — дастури йўналишларини ёшларнинг иқтимоий ҳимоясига қаратади. Вилоятда бу мақсадга оами-қўпини эришилган. Вилоят қўмитаси бошланғич тақдирларини «омошабон бўлиб қўзғатилганлар». Район ва шаҳар ёшлар муаммолари талаб-этанаклари манфаатлари донрасида ўрганилиб, таҳлил этилмоқда. «Вилоятда ёшлар сенибати» концепцияси эълон қилинди. Шунингдек, хокимиятларда ёшлар билан ишловчи тузилмалар шакллантирилди. Янгида қўп жойларда ҳокимлар бошчилигида ёшлар ишлари бўйича кенгаш ташкилоти ташкил этилди.

ларда ҳокимлар бошчилигида ёшлар ишлари бўйича кенгаш ташкилоти.

Ёшлар Иттифоқи ташкилотларининг фаол қисми ёшларга давлат — жамоат иқтимоий хизматида ташкил қилишга киришти. Бойвут, Гулистон, Сайхунобод ноҳиясининг барча хўжаликлариди. Меҳнатобод, Гулистон шаҳрининг айрим хўжаликлариди корхоналар раҳбарларининг ёшлар ишлари бўйича ўринбосарлари давронларга таъсис этилди. Бу давронларнинг деярли ҳаммасига ЕИ қўмиталари котиблари тайинландилар ёки сайландилар. Бу тадбирлар бир томондан жойлардаги раҳбарларнинг ёшлар муаммолари га эътиборини қаратса, иккинчи томондан ЕИ ташкилотлари молиявий қийинчилигини сал бўлсада юмшатишга сабаб бўлди.

(Давоми 2-бетда).

## САРКОТИБЛАР ФИКРЛАШДИЛАР

Халқимизнинг қутлуғ айёми Наврўз арафасида Ёшлар Иттифонининг вилоятлар ва Қорақалпоғистон республикаси қўмитасининг саркотиблари Марказий Қўмитасига йилгилдилар. Улар жойларда баҳор шодлиғига қўрилаган тайёргарлик ва уни янада ҳамжиҳатлик билан ўтказиш учун Ёшлар Иттифонининг олиб бораётган ташкилий ишлари тўғрисида ахборот бердилар.

Йилгилдида Ёшлар Иттифониди муҳим сарҳисоб давронинг биринчи босқич — район ташкилотларидаги ҳисобот-савловларнинг ниҳоясига етаётганлигини ҳисобга олиб, уни изчиқ таҳлил этилди ва вилоятларда бўлаган конференцияларни янада юқори савидада, талабчанлик билан ўтказишни таъминлаш учун ўзаро фикрлашдилар.

Бўлиб ўтган йилгилдида Ёшлар Иттифонини фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Йилгилдиши Ўзбекистон Ёшлар Иттифонини Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Орзиматов олиб орди.

## Мукофот муборак!

Ўтказилган танловга биноан йилнинг энг яхши журналистика асари учун **Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси** лауреати ишончи билан бирга диплом қўйидагиларга топширилди:

— **Қалибён Бекжоновга** — «Ёрқин Қорақалпоғистон» рўномаси муҳаррири, публицистик мақолалар туркуми учун;

— **Шарифа Салимовага** — «Ўзбекистон адабиёти ва сенибати» рўномасининг катта муҳбири, Ўзбекистон хотин-қизлари ҳақидаги асарлар туркуми учун;

— **Мамасоли Абдурахмоновга** — Задарё тумани «Истиқбол сари» рўномасининг бош сари, публицистик мақолалар ва репортажлар туркуми учун (Наманган вилояти);

— **Анвар Нурбаевага** — «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўномасининг бош муҳаррири, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини мустақиллик ҳақидаги мақолалар туркуми учун;

— **Эсон Турсунуродовга** — «Соғиз тоғи» рўномаси бош муҳаррирининг ўринбосари, бозор иқтисодиётига ўтин муаммолари ҳақидаги мақолалар туркуми учун;

— **Нарзулла Журбаевага** — «Мулоқот» ойнамасининг маълумоти котиби, публицистик мақолалар туркуми учун;

— **Матлуба Исломовга** — Ўзбекистон радиоси муҳаррири, хотин-қизларга бағишланган «Дугоналар» эшиттиришлар туркуми учун;

— **Ахрор Аҳмедовга** — «Туркистон» рўномаси бош муҳаррирининг ўринбосари, **Рўзминбой Хасановга** — шу рўноманинг махсус муҳбири — «Сениб суратга чиқилган» мақолалари учун;

— **Қўриққалпоғистон** Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг **Фахрий дипломлари** топширилди:

камлаш ҳақидаги мақолалар туркуми учун;

— **Галина Дмитриевна Рўзсоговага** — «Осиё-юпресс» рўномасининг бўлиқ муҳбири;

— **Саидзамин Шарофоновга** — «Ўзбекистон табияти» рўномаси бош муҳаррирининг ўринбосари;

— **Ҳайдарали Узоқовга** — филология фанлари номзоди;

— **Тўлкин Мухаммадиевич Қоқоқовга** — ҳафтелик «Ишона» рўномасининг бош муҳаррири.

Ўзбекистон Республикаси Журналистлар уюшмасининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги бағишланган кўриқ йиллари кўриб чиқилди. Мукофотлар қўйидагича тақсимланди:

— **Биринчи даражали Диплом Телмур Убайдулло** («Тошкент оқшоми» рўномасининг бўлиқ муҳбири) ва **Тўлкин Расулов** ўртоқларга берилди. Улар Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 1 йиллигини нишонлаш муносабати билан вақтли матбуотда ана

шу маззунни изчил ёритганликлари, ўзларининг ранг-баранг публицистик ва бошқа жанрдаги мақолалари учун шу мукофотга сазовор бўлдилар. Иккинчи даражали диплом қўйидагиларга берилди:

— **Гулшан ойномасининг бош муҳаррири Ойдин Қоқоқовга**, Ўзбекистон мустақиллиги бағишланган туркум мақолалари ва чиқишлари учун;

— **Учинчи даражали диплом қўйидаги ўртоқларга берилди:** — «Қорақалпоғистон жаслар» рўномасининг муҳаррири **Шингаруот Пахратидиновга** вақтли матбуот нашрларида мустақиллик маззунда эълон қилинган мақолалари учун;

— **Самарқанд вилояти «Зарфшон» рўномасининг бўлиқ муҳбири Уктам Қурбоновга**, шу рўнома саҳифаларида эълон қилинган публицистик мақолалар туркуми учун.

Ота-боболаримиздан мерос қолган ҳашар шўролар ҳукмронлиги даврида янгича сениб тус ва янгича сўз билан «сайқал» топди. Ва биз ҳар йили доҳий таваллуд тогун кун — 22 апрель арафасида Бутуниттифоқ шанбагида иштирок этишга ўрганиб қолдик.

Очигини айтганда, шўролардан қолган бу удумининг ёмон томони йўқ эди. Битмай қолган ёҳуд чала ётган қанчадан-қанча ишлар битиб кетганидан ҳаммамиз яхши хабардорим. Иттифоқ чок-чокидан сўкилиб, бўлақларга бўлиниб кетдию, бу хайрли иш қўп жойларда унут бўлди. Текнидан-текинга бировлар учун «кўча супуриш» ёҳуд «зовур тозалаш» ор саналди.

Хайриятки, Ўзбекистон бу масалада ҳам ўз йўлидан борди. Шанбаликлар барҳам топмади. Асл маъносини — ҳашар номи билан бу хайрли иш давом эттирилди. Ўзбекистонликлар бултур ҳам, бу йил ҳам умумхалқ ҳашарида қатнашди. Муайян ишлар бажарилди, шу кун ишлаб топилган маблағ — турли жамғармалар ҳисобига ўтказилди. Лекин...

Гапнинг рости, бу йилги ҳашардан кўнгил тўлмади. Завод ва фабрикаларда шу кун неча миллионлаб сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган, савдо ва манший хизмат шахобчалари тиним билмаган бўлса ҳам... кўнгил тўлмади, негадир.

## Очиғи, кўнгил тўлмади

Нега эканлиги эса маълум. Об-ҳаво инжиқлик қилди. Кун бўйи ёғир ёғди. Баъзи жойларда у селга айланди.

Хуллас, ўйлаб қўйилган юмушлар чула қолди. Айниқса, шанбаликдан сўнг хиёбонлари тартибга келтирилган, кўчалари чиниқдек қилиб супуриб-сидирилган ҳолатдан баҳри дили очилишга ўрганиб қолган шаҳарликларга бу ҳол ғалати туюлаётди.

Халқимиз азалдан саранжом-сарништаликни, озодалиқни ёқтиради. Биноларин, кўнгилга тушган ғашликни тарқатиш мумкин. Бу ерда, менимча, қандай қилиб, деган саволга ўрин бўлмаса керак. Юзага келган вазиятдан чиқишнинг йўли оддий қайтадан умумхалқ ҳашарини ўтказиш! Фақат март ойида эмас, апрелнинг биринчи ёки иккинчи ўн кунлигида. Ҳар қалай, бу вақтда баҳор ўз ҳукминин қатъиян ўтказса бошлаган, ёгин-соқин ҳам қамайган бўлади. Қолаверса, ер етилиб, дов-дахтлар тагини юмшатиш, ариқ-зовурларни тозалаш, ёҳуд кўча-кўйга пардоз бериш бу пайтларда осон қўлади.

Ишлаб топилган маблағни эса... Менимча, бу ўрнида ҳам ҳеч қандай муаммо йўқ. 13 мартда сел келиши оқибатида қурилган зарар ўрнини қоплашга сарфланса, айни муздао бўлур эди...

Зайиддин РИХСИЕВ.



ЎШЛАР  
МАСАЛАСИ —  
МУХОКАМАДА

Ёшлар ишлари бўйича республика кенгазининг йилги ишлари бўлиб ўтди. Унда кенгаш аъзолари бўлган вазириликлар, идоралар, ташкилотлар вакиллари, вилоят ҳокимлар ва муҳлислари ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифонини Марказий Қўмитаси котиблари иштирок этишди.

Мажлисини Ўзбекистон республикаси бош вазирининг ўринбосари, Ёшлар ишлари бўйича республика Кенгазининг раиси М. Қўрабоев олиб борди. Йилгилдида Ёшлар ишлари бўйича республика кенгаши Низомни, Дастурни, 1993 йил иш режалари, «Ўзбекистонда ёшларнинг давлат сенибати» ахборот-буллетенини чиқариш тўғрисидаги ва республика ёшлар ҳаётига оид бошқа кўпгина масалалар муҳокама қилинди.

Қурилган масалаларни пухта ишлаб чиқиш ва маромига етказиш учун ишчи туруҳи тўзилди.

## НАВРЎЗ — БАЙНАЛМИЛАЛ БАЙРАМ

Янгилашиб келётган баҳор байрами — Наврўз халқлар бирлиги, тинчлик, қардошлик голларини ўзда муҳасамалаштиради. Тошкентда бўлиб ўтган байналмилл дўстлик кеча-сечада шу голлар ўз ифодасини топди. Кечада Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозғоғистоннинг турли минтақаларидан келган талабалар ва ёшлар, шунингдек, КХДР, Корея Республикаси, Сурия, Бангладеш, Непалдан келган меҳмонлар қатнашдилар.

Кеча Кореянинг бирлашувига кўмаклашиш халқро уюшмасининг, унинг республика бўлими — «Бом Мин Рен» жамаиятининг, шунингдек, ёшлар ва талабалар жаҳон уюшмаси — «Бом Чен Акрен» вице-президенти Р. Гугайнинг ташаббуси билан уюштирилди.

«Сиз Кореяни биласизми?», деган савол-жавобда йилгит-қизлар ўтказишди. Унда корейларга эса, бошқа миллатларнинг вакиллари ҳам Кореянинг тарихи, географияси, маданияти, анъаналарини яхши биланларини намойиш қилдилар. Ўзбекистоннинг Тошкент вилоят педагогика институтини корей тили ва адабиёти бўлимининг талабалари концерт намойиш этишди.

**ИҚБОЛЛИ ҚИЗЛАР**  
Тошкент Давлат университетини беш факультетининг беш нафар чакон қизлари «Иқбол» кўриқ-танловинида ўзаро куч синашдилар. Ўрқин тема, хотиранлари текшириш, ижрочилик қўбилитини синаш борасида бир-бирларидан ўтдиларки. Лекин кам бўлмадилар.

Бу танлов илм даргоҳи Ёшлар Иттифонини томонидан уюштирилган тадбирларнинг биридир.

«Туркистон» ва «УзА» муҳбирлари.



# Баҳорда ҳамма нарса улғаяди

марта бўлса-да сирпаниб йиқилмади. Лекин бизларни қанчалик авайлаб, қанчалик эҳтиётлашсин, одамлар кишини энтикиб қузатмайдилар.

Баҳорни ҳаммадан ҳам кўпроқ болалар соғинади. Болалар севади. Умирида илк

Ухшайди. Умримизнинг энг хушнуд лаҳзалари баҳор билан боғлиқ. Биз илк бор ер ҳидини, ялғиз исини, гулларнинг хушбўй атрини,

қушлар хонишию, мажнун-тол шивирини баҳорда ҳис қилганмиз. Баҳорнинг энг буюк кашфиёти гул. Гулни ҳамма яхши кўради, лекин мен ҳаммадан ҳам кўпроқ севсам керак. Гуллар билан унсиз галлашаман. Бутун дардимни, ҳасратларимни айтаман. Гулларнинг ёнида

ШАМСИҚАМАР.

## Наврўз келайтир...

Табиатнинг мўъжизаси... Аслида Наврўз табиат учун мўъжиза эмас, оддий тартиб. Биз инсонлар учун мўъжизадир ул. Бир неча авлод инсоннинг табиат олдидаги ҳолиблги ҳақида эрталарни тинглаб улғайдик. Табиат берган идрок билан кўлга киритган ютуқларимизни, фан-техника ангилликларини оламга ёйиб, аюханос солдик. Аслида бу ютуқлар биз учун табиатнинг буюклигини тасвир-тасвир исбот этаётган шаҳодатлар эди. Бунинг ҳаммаиша ҳам аниқлигимиз келавермасди.

## Шахсий фикр

## Саҳийликка

### НИМА ЕТСИН

## Наврўз келайтир...

Дов-дарактлар уйғониб, дунё яшармоқда. Инсон ҳам бу хуррамликка ўз ҳиссасини қўшиш келайди — кўчалар ўтказилади. Бу ҳаммаси яхши. Лекин, инсоннинг табиатдан фарқи томонларидан бири шуки, инсон кўзга келиб ўтказган кўчаларнинг нечаси ўсиб-ўнгани ҳақида сўзламайди, балки, бугун қанча кўчат ўтказганини айтиб рўзномалар, радио ва ойна жаҳон орқали дунёга жар солади.

Бугунги инсоннинг кўли очик. У ҳам ҳайр-эҳсон қилади. Фақат унинг бу саховатини бутун дунё билиши керак. Яхши ният билан ташкил этилган турли хил ямғармалари мавжуд. Турлиси айтганда бу ташкилотлар ҳам ўз «саоватларини» кўз-кўз қилмасликлари лозим

эди. Кейинги 2—3 йилдаги Наврўз телемарафонлари ёдимиздан кўтерилгани йўқ: Ногирон отахонга аравача ҳада этилади; Уйлари бузилган оилаларга район раҳбарлари сизир тўхфа қилади; Етимхонадаги макрўх гўдакларга ўйинчоқлар берилади... Ул бечораларнинг кўзларида севинч ва миннатдорлик ёшлари... Телевидение ходимлари ҳам анойи эмас... Уларга бу кўз ёшлар жуда зарур. Улар бу ҳаёқонли лаҳзаларни яхшилаб суратга олишлари керак. Мухбир ўйлаб қўйган ниятига етди. Йўқ, ҳали кўнгли тўлмади шекилли, микрофони йиғидан ўзини аранг тутиб турган отахонга тутайди. «Қалай, отахон, энди хурсанд мисиз!» Отахон шундоқ ҳам кўзларидан кўриниб турган миннатдорчилигини тилга кўчиришга мажбур. «Қаранг, бизни эслангликларингиз учун раҳмат!» Ана энди муҳбирнинг кўнгли жойига тушди. Суратга олинган бу кўз ёшлар миллионлаб томошбинларга тақдим этилади ва уларнинг ҳам кўзлари намланади. Ҳаммаинг фикрида бир ўй: «Қаранг, биз қанчалар яхшимиз. Қаранг, биз қанчалар саҳиймиз!»

Эй, худойи, биз қанча кўнларга келиб қолдик. Энди бу ошкора саоватини савоблиги қарда саоватини Ота-боболаримизнинг «унг кўнгли» қилган яхшилики чап кўнгли билмасин» деган ақидаларини нәҳотки унутиб қўядик.

Наврўз келайтир... Баҳор байрами, саховат байрами...

Азиз муштарий, элимизнинг саховатли эканлигиндан мен ҳам факрланаман. Менинг кўнглимга гашлик солган саховат эмас, балки, бу саховатнинг ошкорулигидир. Эшитишимга қараганда, Занғона тарафда бир бой ўтган бўлиб, ҳақчилик йиллари бутун бир қишлоқ ахлини киш бўйи оқликдан сақлаб қолган экан. Ҳар кунни 20



дан ортиқ дошқозонларда таом пишириб юртга улашган бу саховат эгасининг исми-шарифини нега мен аниқ билмайман! Нега ул зот ўзи ҳақида китоб ёздириб қолдирмаган! Чунки, ўша ота-боболаримиздан қолган яна бир гап бор: «Яхшиликини қилган дарғага, балки билмас, холиқ билади» (Холиқ — худонинг исми).

Нега биз қилган яхшилигимизни ҳеч ким билмай қолшидан кўркамиз. Ахир яратганнинг ўзи ҳаммасини кўриб-билмиш турбди-ку. Ёхуд имонимиз шунчалар сустлашиб кетганими! Ахир ҳар йили тўрт фаслнинг галма-гал келиши, кун билан тунигинг алмашиниши, инсон ҳаёти учун ҳамма нарса — ер, сув, ҳаво, бори ноз-неъматлар муҳайёлиги худонинг қудратини намоён этиб турибди-ку!

Наврўз келайтир... Табиатнинг мўъжизаси...

**Изҳор**  
**КУМУШГА**  
**МАКТУБ**

Кумуш опа! Исмингиз, чўлпон кўзларингиз, ақил-лабларингиз, нозик бормоқларингиз бунчалар нафис бўлмас. Наҳотки, Отабек юзларингиз кўйдирган бўсаларингиз, қанчалар қанча йилларингиз мафтун қилган кўнглингиз абадул-абад қайта чиқмас қилиб қора ер бағрига кўнмган бўлсал!

Ҳомиддай ёвуз кишилар қўнглингизга чанг сополмай доғда қолганда, замфрина Зайнаб сизни сўлдирди-ку! Тўғри, уни ҳам тушуниш керак. Тақдир экан. У ҳам севиб севилмади, ўз ёрмига суоқли бўлмади, деб турмуш қурган, эзгу ниятлар кўзлаган. Лекин ўз бахти очилмасе, бировнинг бахтига зомин бўлган керакми!

Ҳар сафар сизни ўйлаганда сўнгли чекрангиз, бўғзингизда қотган, жону жаҳонингиз кўнлиб айтган биргина сўзингиз борлигини ўзингиз айтиб берганимиз: «Бегим...»

Умида МАТЖОНОВА,  
Тошкент шаҳар, 282-мактаб ўқувчиси.

Бола дунёни тебратар, дейишди. Бу ҳақиқат. Мана шу Сиз ва биз яшаётган Замири беғубор болалар учунгина айланаётган бўлса эжабмас.

Ҳар кунни бир ҳолат тақдорлади. Эрталаб ўғилларини боғчага қузатиш жуда оғир кеҳди. Гуёки уларни бир кунлик қамоққа маҳкум этаётгандай бор имкониятларини ишга солиб боғчага бормасликка тиришадилар. Йиллардан ҳис қилмоқчи, чин самимиятга эришмоқ ўзимиз учун муҳим.

Азиз муштарий, шундай улғу кўзларда, бир томондан муқаддас Рамазон ойи, бир томондан Наврўз айми шу лаҳзаларда андек нолали мулоҳазаларим учун эди. Наврўз ўзи шундай, бутун борлигини уйғотиб, кўнглиларни ҳам бир кўзгаб қўяди. Мен ҳам шу кўзгалган кўнглидан кечган ўйларимни сиз билан баҳам кўргим келди.

Бола дунёни тебратар, дейишди. Бу ҳақиқат. Мана шу Сиз ва биз яшаётган Замири беғубор болалар учунгина айланаётган бўлса эжабмас.

Ҳар кунни бир ҳолат тақдорлади. Эрталаб ўғилларини боғчага қузатиш жуда оғир кеҳди. Гуёки уларни бир кунлик қамоққа маҳкум этаётгандай бор имкониятларини ишга солиб боғчага бормасликка тиришадилар. Йиллардан ҳис қилмоқчи, чин самимиятга эришмоқ ўзимиз учун муҳим.

Азиз муштарий, шундай улғу кўзларда, бир томондан муқаддас Рамазон ойи, бир томондан Наврўз айми шу лаҳзаларда андек нолали мулоҳазаларим учун эди. Наврўз ўзи шундай, бутун борлигини уйғотиб, кўнглиларни ҳам бир кўзгаб қўяди. Мен ҳам шу кўзгалган кўнглидан кечган ўйларимни сиз билан баҳам кўргим келди.

## Бир кам дунё

Бу қораламан ёзиш ниятин йўқ эди. Бирок, дўстим, энг яқин сирдошим Қудратнинг ҳозир ахвол бағридаимизни эзиб қоборди. Қандайдир 5—6 кун ичда Қудрат шунчалар ўзини олдириб, кўзлари руҳий азобдан янгина тортиб, эгилари суякка ёпишиб кетдики, инсон боласи қисқа бир фурсатда шуларча ўзгариб кетишига ҳайрон қоларман. Қўнгли, инсон кўнгли... Шунчалар ҳам нозик бўлмасани? Қимлардир томонидан айтилган ноурин таъна, несатни, шаъма, пинсада сени чил-чил қилиб қобораркан. Айниқса, туҳмат...

## ТУҲМАТ БАЛОСИДАН...

«Сув балоси, ўт балоси, туҳмат балосидан...» Нексаларимиз фотиҳага қўл очганда дуо оятларидан тушмайдиган калима: «... ўзи асра син».

Сув, ўт табиат «эҳсон»и. Туҳмат-чи? У нимдан ва кимга «эҳсон»? Сув билан ўт балосининг олдини ола ёки туҳматга бўлар, лекин туҳматин ҳеч қандай куч, ҳеч қандай эҳтиёткорлик тўса оламас экан.

Қудрат, худо кўрсатмасин, туҳмат орасидан қамалгани, лаънатлангани, ҳали нафратига дучор бўлгани йўқ. Бунаҳай бўлмайди ҳам. У буларга юздан, мингдан бирини бошидан кечирмоқда ҳолос. Лекин мен Қудратга ҳеч қандай ёрдам беролмаётганимдан баттар эзилаялман.

Қудрат билан биз ўн йил бир синфда ўқидик, бир маҳаллада катта бўлдик. У ўн йил бизга синфбошлик қилди. Намунали ҳўқ билан аъло ўқиди. У ҳоло, мард йингит. Ҳаромдан ҳазар қилди, тилғеламалини билмайди. Шунинг учун ҳам бирини тўрт аралашиб олтин медал ололмади. Мактабни тугатган йиллик олий ўқув юртига кирди. Ҳозир битирини арафасида. Табиатан бо сини, дўстлари орасида ҳайратланарли даражада ҳўрмат қозонган. Уни ҳаммаимиз жуда ҳўрмат қиламиз, оғир гапирмаймиз, қалтирсе ҳазил қилмаймиз, лекин вақти келса, у шундай ҳазиллар қилиб қўйдик, сендан шунча

гап бор экан-ку, деб қўлимиз. Доим маслаҳат сўраймиз. Биз учун у норасий «оқоқол». Жуда кўнглимизга самийий қабул қилади. «Камбағални тунигинг устида ит қопайди» дегини халқимиз. Қудрат ҳам «сўғри» нағри борса. Ушларга шерки (поддешник) деган ном олди. Уларнинг девор кўнглини ва кичикишлар қодимларини истисно қилганда, қолган ҳамма Қудратни ҳамма қиялти ва ҳимоят қилишга тайёр. Унинг ўғри уриб кетган кўнглининг гумонлари Қудрат ва унинг дўстлари, яъни биздан. Тўғри «Мол аччиғи — жон аччиғи» деганларидек, уларни ҳам тушуна бўлади. Аммо Қудрат 23 йилдан бери, дунё юзини кўрганлан бўён Ушларнинг кўз олдида-ку! Ахир уни энди кўриб туришгани йўқ-ку.

Нағри кўнглининг гувоҳлик беришича, ўғирланган юкларни машинага жойлаётган йилларда «Биз — Қудратнинг ўртоқларимиз. Тижорат дўнонида ишлаймиз. Молларимизни Қудратникида сақлаш учун олиб келган эдик, қайтариб олиб кетаймиз», деган кўнгли билан у ёқ бу ёқдан галлашган ва рисоладагидек хайр-хўш қилиб жўнаб қолган. Бор гап шу. Ва шунга асосланиб Қудрат «сўғри» нағри борса уларга шерки. Бошқа йингит бўлганда балки бунчалик эзилмасди. Лекин Қудрат адои тамом бўлаёди.

Миллиция ҳам уни сиқува олган, дўстларини суриштирган. Абримларини (шаҳсан мени) сўроқ ҳам қилган. Шу ўрнида милицияга ҳам бироз эътироз тўнлади. Қайси ўғрини ўзини-ўзи ушлаб беради. Агар ўшалар ростдан ҳам Қудратнинг «ўртоқлари» бўлишганда ҳеч қачон бундай деб айтишмасди. Миллиция эса... Ҳўш улар нима қилишди? Ассосий эътиборни Қудратга ва унинг дўстларига қаратган милиция қаҳқий ўғирларнинг нияни йўқотди. Икки ўртада Қудратга қийин бўлди. Маҳаллада эркин юрлмай қолди. Айниқса, жабрдийда қўнглиларни олдида. Қўнасидилардан кимни кўрса унга тасалли беришди: — Ҳафа бўлма, ҳафта бўлиб туради, биз сени ҳимоят қиламиз.


Ҳа, ҳамма бир ёқдан Қудратни ҳимоят қилар, унга ишонар, лекин унинг нозик, шу нозиклиги учун ҳам сининг кўнглини ким бутлай олади? Қаҳқий ўғирлар ҳам топилар, унинг эгин боши баланд, нурсиз юзи ёруғ бўлар, Лекин синган кўнгли бутланармикин?

Наодир МАҲМУДОВ.  
Тошкент.

## Кўнгли гулзори

Алишер НАВОЙИ

Хўбларда меҳр йўқ, чун меҳр йўқ ул моҳда,  
Хайли тобиҳдур қаю хийлати бўлғай моҳда.  
Ҳеч ким йўқтурки ёр олдаи йўқтур мансоби,  
Шоми бемасабилг ўлими мансаб ул даргоҳда.  
Бизми ҳижрон нарху хас актарапардидур иншон,  
Тийра кўнглим ҳар шарар кўргўза дуди оҳда.  
Кўнглимг истар бўлса юз минг жонни эйтилмен инсор,  
Гар бу дилхох итгани фажҳ этсам ул дилхоҳда.  
Мужоби андуҳдур афғоним, итмом этманг тама,  
Жонфозилг ким кўрубтур нолан жонкоҳда.  
Билки, йўқтур кўнглимда ишқу муҳаббатдин асар,  
Кимки даврон ира бўлса кўнгли молу жоҳда.  
Шамъ тавфиқ ўлмакин равшан қачон йўл топаман,  
Ким эрур кўп зулматни ҳижрон мени гулроҳда.  
Бор умидимкин, етишгай оқибат огоҳли,  
Гар ерми бўлса гаҳи бир хотирн огоҳда.  
Эй Навойи, элга мен худ қилмадим ишқимни фош,  
Турфа кўрким ҳар тараф бу сўз эмиш афвоҳда.



— ИЙГЛАМАЯ ТУР, ҲОЗИР ОВИМ КЕЛАДИЛА. Муҳаммад АМИН олган сураат.

## ОҚ ГУЛЛАР...

(ҚАТРА)

Баҳор. Гуллар фасли, айниқса бодом ва ўрик дарактлари ҳарир либос кийишади. Назаримда унинг ҳар бир гули сенинг юзинга, кўзинга, қўлчиқларинга ухшайди. Бир гал менга тўсатдан энди қайта учрашмаслигимизни айтдинг ва таниганимиздан бўён биринчи марта гулларини олмадинг. Сени «унаштриб» қўйишбди. Назарим

да бутун ёруғ жаҳонни қоп-қора зулмат қоплагандек бўлди. Қўнглимдаги оқ гуллар кўз ўнгимда қорайиб қолди. Иккимиз ҳам қишлоққа қайдик.

Мана бутун сенинг тугилган кўнгли. Бейхитёр сени табирқилаш учун йўл олдим. Бозорга кирдим. Шу пайт ёшига йингит оқ гулларни харид қилаётганини кўриб қолдим. Ҳамма унга ҳайрат билан боқарди. Мен бу йингитга олам-олам бахт тиладим. Назаримда бутун олам яна оқаргандай бўлди. кўзларимга беихтиёр ёш келди. Ичимга қайтдим.

Эрталаб туриб деразани очдим, қотиб қолдим. Ҳовли-

## Ийглама, болажон

Энг охирида қолган болалар меники бўлса керак деб ўйлагандим. Инглишча билан ўлимни қийинлаштириб бўлмади қўнглини турган болакайга кўнгли турган кўнгли хонадаги боғча она кириб дўгона-сига мурожаат қилди.

— Ойи, мана бу пулга от олмақчиман, — дейди хурсанд қиёфада.

— Бу кўп қаватли уйларида от қўнгли мумкин эмас, ҳамма ёқни ифлос қилиб юборади.

— Мен кичкинасида олиб, ифлос қилмасликни ўргатаман.

— От тушунмайди, у ҳайвон, икки дунёда ҳам ўрганмайди.

— Ургатса бўлади, мен уни болаҳонада боқаман, кундузлари пастга олиб тушиб, айлантираман, кейин катта бўлганда Андижонга бунимларни олдиға миниб бораман.

— Биринчидан, мумкин эмас тушундиргани, иккинчидан, бир сўмга от туғул отнинг думини ҳам беришмайди.

Мен хотинимга тушунтиришни истайман. У эса ўз сўзидан қолмайди: «Болани қаҳқат билан тарбиялаш керак, шунда нелажакада ўз йўлини топиши осон бўлади».

Нега энди унинг қайфиятини бузаман. Ахир бу пулга ҳозир ҳеч нарса бермаслигини қардан билсин, эртага от миниб келаятгани йўқ-ку. Нега унга майли, дея жавоб

— Ана, биттаси ўтирибди, доим шунча қилишади. Ийглама, мени уйим йўқми? Мен ҳам болаларимга оқват пиширишим, қарашим керак. Йўқ, битта шунинг онаси ишлайди бу дунёда. Ҳой тур ўнингдан, кийимларингизни кий, уйга олиб кетаман. Қоровулга хат ташлаймиз, уйимдан олади, бошимга битган боло бўлди, уф-ф!

Энди бу гапларнинг кўпроғи менга ҳам тегишли эди. Чунки мен ҳам хотиним навбатчиликка қолган кўнглини ишдан эўрга улғуриб келиб болаларимни олардим.

Болага қарайман, Ийгламайди, лекин тўлиб турибди. Агар Ийгласа баттар гап эшитишини билди. Бола катта айб қилиб қўйгандек ўрнидан туриб қийимларини ола бошлади, у базур ўзини тутарди.

ИЙГЛАМА, болажон, ҳозир онам қайсидир бекатда сени ўйлаб автобусларга кўз тикиб, зир югураётгандир. Ийглама, Ийглаб кириб борм дунёга. Мағрур, бошингиз баланд кўтариб оламга боқ, болажон!

Сен биз қилган хатоларини тўзатмоқ учун аралгансан, биз билмай тўнган кишанларни парчалаш учун бунёд бўлгансан.

Салоҳиддин СИРОЖИДИНОВ.

Холиқ ДАВРОНОВ. Қамашни тумани.

# НАВРЎЗ КЕЛАР БИЗНИ СЎРОҚЛАБ



## Хосиятли уруғлар экайлик

Наврўз азалдан деҳқончилик йилининг бошланиши ҳисобланади. Қадимда ота-боболаримиз шу кунни йил бўйи қиладиган ишларини режалаштириб олишган. Ерга уруғ қадаш олдидан кенса отахонлар, тажрибали деҳқон-

ларнинг дуосини олишган. Наврўзнинг ҳамал деб номланганда, «Ҳамал кирди—амал кирди» дейилишида ҳам раъзи матно бор. Наврўз кунини ерга ташланган уруғ хосиятли бўлади.

Хўжалигимиз галлачилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Бу йилдан бошлаб пахта ҳам экимоқчимиз. Чунки, пахта хўжалик иқтисодини кўтаришида муҳим роль ўйнайди.

Хозир далаларимиз ям-яшил либосга бурканмоқда. Кузда экилган галлалар барвақт ўсаяпти. Ваҳоринг экинлар экин бошланиб кетган.

Халқимиз ҳар йили Наврўзнинг орагини кутади. Чунки у кўнгилларда янги-янги орауларни яшш урдиради, покликка ундайди. Хўжалигимизда бу айёмни мароқли ўтказиш учун кенсаю-ёш иштирок этмоқда.

**Мамадир НУРАЛИЕВ,** Жнзхаз виллоят, Зафаробод районидagi Беруний номи давлат хўжалиги директори, Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи МҚ бюроси аъзоси.

## Дилга завқ бериб

Баҳор ва ёшарин байрами бу йил кўриқ Зафаробод райониди ўзгача завқли ўтиши кутилмоқда. Негаки район ҳокимлиги Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ва «Туркистон» газетаси билан келишган ҳолда Наврўз кунларини биргаликда нишонлашга қизгин ҳозирлик кўряпти.

Наврўз тантаналари ўтадиган 5 минг ўринли ўйингоҳда райондаги барча ташкилотлар ва хўжаликлар махсус ўрин-жойлар бунёд қилляпти. Бу ерда ўзбекча сўрини, қозоқча ўтовани ва бошқа халқларнинг миллий урф одатларига хос манзараларни кўриш мумкин.

Район ҳокимлиги ва хўжаликларнинг маъмуриятлари Наврўз кунлари кенг халқ сайилларини уюштиришга, полвонлар беллашуви, маҳаллий санъаткорларнинг чиқиши, халқ ўйинларини кўришни, қушлар баъзи, гуллар кўриги ўтказишга ҳозирланмоқда. Шу кунни бир неча ёш келин-куяларга никоҳ тўғрисидаги топиштрилади. Район ҳокимлиги қoшидаги

ижтимоий масалаларни мувофиқлаштириш маркази томонидан иқтисоди ночор оилалар, кўнгли ярим болакайлар рағбатлантирилади. С. Раҳимов, Озунбобов, Ф. Ҳўжеев номли ва «Уч қаҳрамон» давлат хўжалиги деҳқонлари шу кунни экинчи ишларини бошлаб юборишади.

Тошкентлик ижодкорлар, санъаткорлар билан биргаликда зафарободлик «Чулқувар» дастаси, жойлардаги бадиий ҳаваскорлик жамоалари ҳам Наврўз байрами кунини катта концерт намойиши қилиш учун ҳозирлик кўриб қўйишган. Шу билан бирга район газетасининг Наврўз сонини «Туркистон» газетаси ижодий жамоаси билан ҳамкорликда чиқармоқчимиз.

**А. БОЛБЕКОВ.**

Зафаробод район «Галаба» газетаси мударрири.



Бетакорр санъаткор М. Турғунбоева таваллуднинг 80 йиллигига тайёргарлик

ишлари бошланди. Суратда: «Баҳор» ансамблининг бир гуруҳ санъаткор-

лари. Суратчи Абдусаттор ТўРАЕВ.

## «Баҳодиров аудиторияси»

Курсдошлар билан тез-тез учрашиб турадиган одатимиз бор. Яқинда ана шундай учрашувлардан бирида ўзимиз ўнган билим даргоҳи — Тошкент кишлоқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент Давлат аграр университети)га бордик. У ердаги катта ўзгартирилган кўриб, кўзимиз қувонди. Университетни айланб юриб, ўзимиз ўнган хоналардан бирида хўжалик устозимиз «М. Баҳодиров аудиторияси» ташкил этилганини кўриб ва хайлан ўша талабалар билан эсладик.

Маъжидхон ака Баҳодиров билимлари серрира эди. У киши араб ва форс тилларини мукаммал эгаллагандилар. Биз устозимиз Маъжидхон ака Баҳодиров биринчи ўзбек туپроқшунос эканлигини билан фахрланамиз. У киши биринчи бoр республикада ўзбек тилида «Туپроқшунослик» дарслигини яратганлик.

Бир кун устоз Маъжидхон аканинг институтимизда ўқитган араб мамлакатларидан келган талабалар билан араб тилида бемалол гаплашиб ўтиргиларини устидан чиқдик. Сўхбат якунига етгач, хорикли талабалар хайрашар эканлар, бизга қараб рус тилида «бу профессор бизни биринчи марта араб адабий тилини яхши билар экан», дейишгани эсимизда. Бунга агар устоз араб филологияси нафдасининг ташкилотчиси ва илк мударри ҳамда араб тилидан бир неча ўқув кўланмалари тайёрлаганликларини қўшса, мулолағимиз Маъжидхон Баҳодировни (энциклопедик) олим дейишимиз мумкин.

Мана, аудитория деворларининг бирига «Маъжидхон Баҳодиров. 1903—1977» лавҳаси қўйилган. Демак, бу йил устозимиз ҳаёт бўлганларида 90 ёшини қаршилаган бўлар эдилар...

Шундай хайлар билан биз яна бир бор устозимизни зикр қилганимиздан шодландик. Ва кўнглимиздан бу эзгу туғилар умрбод жой олганини ҳис этдик.

**М. АБДУЖАББОРОВ,**  
**М. МИРАХМЕДОВ,**  
**Д. УМАРОВ.**

**ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИ СОЗЛАНАДИ**

ва чет эл туғмачали телефонлари стандарт кучлинига ўтказиб бериледи.

Манзил: Навоий кўчаси, 30-ав. Уй. Телефон — 44-29-50.

«САРВИС» прокат салони.

## БАҲОР ГУЛДАСТАСИ

Бу мактабни Каттақўрғон ва унинг атрофида ҳамма яхши билади. Сабабини, 1-сон ўрта мактаб қандай тантана, маросим, байрам бўлмасин, доммо дустурдон ёзиб, ота-оналарини бир пилла чойга талфиф қилади. Мактабнинг яна бир эълан-борга молли қилди бор, бу ҳақда илм даргоҳи директори Элламат Қуватов шундай дейди:

— Ҳозирги кунда мактаб жамоаси ноҳия ёшлар иттифоқи ва унинг қошида ташкил этилган «Шижоат» бирлашмаси, қанда ҳаминимиз бўлмиш «Пахтакор» жамоа хўжалиги билан экин алоқда, Яқинда Ешлар Иттифоқининг ёрдами билан ёш туғувчилар корхонасини ташкил қилдик. Мана, у ерда қизларимиз хўнар ўрганишляпти. Жамоа хўжалиги раиси Р. Иброҳимов мактабимиз учун 1 гектар майдон ажратди ва ёрдам берди. Ҳозир у ерда асосини ошхонамиз учун қовун-тарвуз, қарам, пилё, картошка етиштирялмиш.

Феъат бугина эмас. Ушбу илм даргоҳининг алоқчи йузуларини ҳар чорек якунида касба уюшмаси томонидан пул мукофоти билан ҳам таъдирланб турадилар. Хуллас, Каттақўрғонга йўналиш тушса, Фозил Каримов номлидаги 1-мактабни бориб кўриги. Ибрат олса арзийди.

Зоир ХОЛ МИРЗО.

**Абдулла Қодирий вақфи (жамғармаси) ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕРАДИО КОМПАНИЯСИ «МУШТУМ» ЖУРНАЛИ**

Абдулла Қодирийнинг 100 йиллиги олдидан

**Наманганлик қизиқчи Рустам ҲАМРОҚУЛОВ хотирасига бағишланган «ҚИЗИҚЧИ—93»**

Республика ёш қизиқчиларининг анъанавий танловини шу йил май ойида Наманган шаҳрида ўтказадилар. Танловга 16 ёшдан 35 ёшгача бўлган ўзи зукко, тили бурро, танилган ва танилмаган сўз усталари ва қизиқчилар қатнашишлари мумкин.

Аризалар: 10 апрелгача Тошкент. Туроб Тўла кўчаси 1. 214-хонада қабул этилмоқда.

Тел: 45-74-66.

**ТАШКИЛИЙ ҚУМИТА.**

**ТАШКИЛОТ**

Тошкент шаҳридаги омбордан қуйидагиларни СОТАДИ:

- олмалар;
- линолеум (Оҳангарон шаҳрида ишлаб чиқарилган);
- пеленые (Москва шаҳрида тайёрланган);
- палас (2x3 м).

Соат 18 дан 20.00 гача 58-60-91 телефониға кўнгирик қилинсин.

**Келгуси сонда:**

- СУМАЛАК СУЗИНГ, ОНА!
- ЮРАК БИР ҚАЛҚДИ... БИР ХАЕ-ДАН

**Газета саҳифаланаётганда: САДОҚАТ**

Ўтган йили газетамизда тарихчи олим Амриддин Бердигуловнинг Амр Темур замонасида бериб этилган боғлар ҳақида туркум мақолалари эълон қилинган эди. Кунин кеча биз Самарқанддан хушхабар олдик.

Бу юмушларни академик Р. Шредер номлидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Самарқанд бўлими боғбон ва мутахассис қолган азалий анъанага кўра, бу даврда барча яхши ниятни дилга туғиб, дархат экади. Дарвоқе, Самарқанддаги Боғи Дилқушо, Боғи Нақшижаҳон, Боғибадан, Боғишамо, Боғи Загон каби тарихий гўшалар шу тариқа вужудга келган.

— Бу йил Наврўз арафасида самарқандликлар яна бир ибратли ташаббус бошладилар. — дейди виллоят сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиги Зоир Ҳўрабеков. — Қадимдан оламга машҳур Темур боғларини қайта тиклаш ва тарихий Чўпонота тепалигида муҳташам гўша яратишга киришилди. Улғу мунажжам Улғубек таваллудининг 600 йил-

лиги муносабати билан қад кўтарилган янги боғ 70 гектар майдонни эгаллайди. Ҳозир бу ерда кўпроқ анжир, тоқ каби хуштам мева кўчатлари экинмоқда.

Бу йомушларни академик Р. Шредер номлидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Самарқанд бўлими боғбон ва мутахассис қолган азалий анъанага кўра, бу даврда барча яхши ниятни дилга туғиб, дархат экади. Дарвоқе, Самарқанддаги Боғи Дилқушо, Боғи Нақшижаҳон, Боғибадан, Боғишамо, Боғи Загон каби тарихий гўшалар шу тариқа вужудга келган.

— Бу йил Наврўз арафасида самарқандликлар яна бир ибратли ташаббус бошладилар. — дейди виллоят сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиги Зоир Ҳўрабеков. — Қадимдан оламга машҳур Темур боғларини қайта тиклаш ва тарихий Чўпонота тепалигида муҳташам гўша яратишга киришилди. Улғу мунажжам Улғубек таваллудининг 600 йил-

**Х. ШУКУРОВ,**  
**УзА мухбири.**

**ГАЙРАТ КАМГАП.** Содда. Сиздан олдиги гапирмайди. Бу балки водийликларнинг феъллидиги хушхавосликдир. Янаям ким биледи. Уни «Туркистон»да ҳамма танийди. У ҳақдаги самимий сўзларимизни газетда ёзганмиз. Гоҳо ўзимизча ортдан гапириб юрамиз ҳам: «Яхшигина овози бор-да. Катта ҳофизнинг шоғирди...» Бунини ўзига айтмаймиз.

Ешин 23 да. Уйланмаган. Фаргона виллоятининг Учқўприк (бурунги Ленинград) туманидаги Бекмурод қишлоғида таваллуд тогган. Раҳматлик отаси Аъзамжон ака (у кишиям танбур чертиб, қўшиқ айтгандилар. Машҳур ашулачи Расулқори Мамадалиевнинг сукули шоғирларидан бири бўлган экан) олти ўғил, уч қизини дилбар аёли Бухалима опа билан тарбиялаб, вояга етказди. Минг афсусин, ўзлари ўтган йили 57 ёшида... дунёдан ўтдилар.

Ғайрат оилада учинчи фарзанд. Ҳозир консерваторияда таҳсил олаётини.

У билан кўп дардлашамиз. Самимий, ҳеч сирин яширмайди. Айтгандилар. Матбуотта, маънавиятта, қолаверса, санъатта муносабати ниҳоятда жиддий. Ўзбек миллий қўшиқчилиги санъати ҳақида куйингани-куйинган.

**ЎЗИНИНГ ГАПЛАРИ:** «Ака, (шу сўзини жуда яхши кўради) классикани «босиб» кетишяпти. Ҳеч ким оёқ кўлмайдику-я, лекин одамлар, айниқса кейинги авлод ўз оталарни қўшиқларини эшитмай қолмишдан қўрқаман. Нега шундай? Ёнигдели ашулалардан тўйдим. Эшитсам... На илож? Осмон узоқ, ер қаттиқ, Еру осмон битта бўлса қайта борамиз?»

Виласияни, нимадан кўрқилган? Агар шу кетишимиз бўлса, орадан кўп эмас, йи-йи беш йил ўтгач, катта катта ҳофизларимизни ҳам унутиб қўймасангиз гўрғайди. Ихшиям, радио, телевизорда баҳоли кўларат бериб туришибди. Булар...»

Уэр, балки у анча ошириб юборгандир. Ҳар кимнинг ўз тарозиси бор. Кимдир классик

ашулаларини, яна бирор росмуниқо, бошқа биримиз эса замонавий қўшиқларини эйтиришимиз табиий. Аммо... Тўғриси бугун Ўзбекистонда нечта маюм, нечта эстрада, нечта шоу ва яна қанча ҳар хил, биз ҳам номини билмайдиган гуруҳлар борлигини айтолмаймиз. Лекин бир ҳа-

## Тўрт ёшида кўшиқ айтган...



қиқат аёнки, мақом дасталари ҳисобли. Гап аслида уларнинг сониди ҳам эмас-ку, уларнинг санъаткор Шерқўзи Ғоэиевларга суянди. Очиги, ёнидаги созада дўстлари Баҳодир, Илҳом, Ҳамдабеклар ҳам кўлашди. «Алломиш» (С. Ашур шери), «Бу дунё мендан ҳам, сендан ҳам қолар» (З. Мўминова шери), «Асл дўст» (Н. Нарзуллаев сўзи) ва қатор классик ашуларлар яратди.

У кўп ўйиди. Айниқса, ғазалларини, шериларини. Навоий, Бобур, Ҳофизий, Машраб, Махтумқули, Нодира, Чустий, Чархий... Бугун эса

Ишонмасиз-а, Ғайрат тўрт ёшида ашула айтган экан. Албатта отасининг етловиди. У бунини элас-элас эслади. Шушу кўнглида қўшиқчи, санъатта меҳр ўйгонди. Аста-секин «Ним дусун», «Тонг отгунча», «Кўча боғи-И» ва қатор баётларини куйлади. Кейин нати-

та ҳофизга эргашди. Ана шундан сўнггина ўзини топиб олди. Бунгача қанча қийналди. Ҳатто усталардан танбех эшитди. Шу кунини бунини ухламай йиллаб чиқди. Аввало отасига, кейин катта ҳофизга, сўнг ажойиб қўшиқчи-бастакор Авазбек Маҳмудов, қолаверса, иқти-

га ҳофизга эргашди. Ана шундан сўнггина ўзини топиб олди. Бунгача қанча қийналди. Ҳатто усталардан танбех эшитди. Шу кунини бунини ухламай йиллаб чиқди. Аввало отасига, кейин катта ҳофизга, сўнг ажойиб қўшиқчи-бастакор Авазбек Маҳмудов, қолаверса, иқти-

## Саъбат

Шерқўзи Ғоэиевларга суянди. Очиги, ёнидаги созада дўстлари Баҳодир, Илҳом, Ҳамдабеклар ҳам кўлашди. «Алломиш» (С. Ашур шери), «Бу дунё мендан ҳам, сендан ҳам қолар» (З. Мўминова шери), «Асл дўст» (Н. Нарзуллаев сўзи) ва қатор классик ашуларлар яратди.

У кўп ўйиди. Айниқса, ғазалларини, шериларини. Навоий, Бобур, Ҳофизий, Машраб, Махтумқули, Нодира, Чустий, Чархий... Бугун эса

**ТАҲРИРИЯТДАН:** «Туркистон»лар Наврўз айёмида зафарободлик ўқувчилари билан уярошмоқда отланишляпти. Муштарийлар билан юзма-юз бўлимоқ, уларнинг дардларини тингламоқ, кўнгалларини шод этмоқ қанчалар завқли. Ана шу дийдорлашувда танили санъаткорлар қатори умидли қўшиқчи Ғайрат Екубов ҳам қатнашмоқ ниятида.

## Норқобил ЖАЛИЛ.

**ТАҲРИРИЯТДАН:** «Туркистон»лар Наврўз айёмида зафарободлик ўқувчилари билан уярошмоқда отланишляпти. Муштарийлар билан юзма-юз бўлимоқ, уларнинг дардларини тингламоқ, кўнгалларини шод этмоқ қанчалар завқли. Ана шу дийдорлашувда танили санъаткорлар қатори умидли қўшиқчи Ғайрат Екубов ҳам қатнашмоқ ниятида.

## ...КўНАР У ШОХГА, У ШОХГАМАС, БУ ШОХГА

Ўзбекистон футболда намол тогган Олег Синелобов муҳлисларга ўзининг ҳўжумкор ўйини, кучли зарбалари билан яхши таниш. Бироқ Олег нафақат тўп тепиш маҳорати билан, балки жамоадан-жамоага ўтишининг ҳавосини олгани билан ҳам довуғ қозонган. Мисолларга мурожаат қилсак: икки йил аввал масумини Наманганда «Навбахор» жамоасида бошлаган Синелобов ёзда «Пахтакор» сафига қайтиб келди. Ўтган йилнинг ёшида Бухоро обидаларига мафтун бўлиб қолган спортчи масум ўртасида «Пахтакор»нинг тарк этиб «Нурафшон» таркибига майдонга туша бошлади. Масум тутагач Синелобов кўна Бухоронинг ҳам ташлаб кетди. Бу гал уни Узоқ Шарқ ўзига жалб қилган экан. Россия чемпионатининг олий табақаси иштирокчиси Находкиннинг «Океан» жамоаси сафлариди янги масумига тайёргарликни ўтган Олегдан узоқ шарқликлар устози Александр Аверьяновнинг умиди катта эди. Аммо... масум бошланишига санокли кунлар қолганда тўзилган шартномани назар-писанд ҳам қилмай Синелобов «Океан»дан кетиб юбориди. Энди Олегнинг «ўйин»ларини Малайзиялик муҳлислар ва мураббийлар кўришади. Фақат бир саволга жавоб топиш ҳозирча мушкул бўлиб турибди: Синелобовни ўз бағрига оладиган навбатдаги жамоа қайси давлатда экан?...»

## ФИРОҚ ШУНЧА ЙИРОҚ БУЛАРМИ?...

Футбол оламининг қонун-қондалари қатъийлиги билан акрибли туради. Айниқса, жамоада чет эллик спортчилар сонини қанча бўйича қабул қилинган қондаларга риоя қилинишига алоҳида эътибор берилади. Шунинг учун энг бой жамоалар ҳам белгиланганидан ортиқ ўйинчинин майдонга тушира олмайдилар.

Аммо «қаловини топасан қор ёнади» деб бежиз айтишмаган. Португалиянинг машҳур жамоаларидан бири Лиссабоннинг «Бенфика» клуби раҳбарлари ангина йўлига излаб топиди. Жамоага аввалроқ тақдир этилган Сергей Юран билан Василий Кульков ҳамфиги мосвасили Александр Мостовойни қўшиб қўйиш учун улар «келин» топиди. Португалия фуқароси бўлиб улгуран рус қиз билан Мостовойнинг тўйини нишонляпти. Ушбу «кино»га асосан собиқ СССР фуқароси Александр Мостовой Португалиянинг ҳам фуқаросига айланди ва чет элликларга амал қилдиган чекловини четлаб ўтди. Ҳаммадан қизини шунданки, Мостовой Португалия фуқароси паспортини олгандан бери ёш «келин-куёв» бир-бирлар билан бирор марта ҳам дийдор кўришмагандилар, аммо расман акрмалганлар ҳам. Чиндан ҳам, «фироқ шунча йироқ бўларми?»..»

## «ХОЛИС» СЎРОВЛАР

Одатда жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида ўтказилган сўровларнинг натижалари баҳсларга сабаб бўлади.

**Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ**

Тахрир ҳайъати: **М. АБДУСАМАТОВА,**  
**А. АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари),**  
**Н. ЖАЛИЛОВ, К. ЖУМАНИЕЗОВ, К. РАҲИМОВ,**  
**З. РИХСИЕВ (масъул котиб), Қ. ЭШМАТОВ.**

**Таъсис этувчилари:**  
**ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ**  
**МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ**

ва  
**«ТУРКИСТОН» ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ**

газета 1925 йил 8 февралдан «Еш Ленинчи» номи билан чиқа бошлаган.

**ТАХРИРИЯТ:**

хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, кишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий беъаз — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

**МАНЗИЛИМИЗ:**

700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-йў.

Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайдиган ва таҳлил этилмайдиган.